140897

"ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСАФФО ОСМОНИ"

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон бадиий академияси биносида "Ўзбекистоннинг мусаффо осмони" номли кўргазма очилди. Бу ерда кекса мўйқалам соҳиби Лутфулла Абдуллаевнинг "Меҳнат ва уруш фахрийси", "Автопортрет", "Шарқ аёллари" каби асарлари намойиш этилмоқда. Қизиғи шундаки, рассом ўз асарларини 80 ёшдан ошганда, истиқлол йилларида яратди. Томошабин унинг асарларидан Ватанга муҳаббат, истиқлолдан шукроналик, келажакка умид туйғуларини ҳис этмоқда.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

"СУҒДИЁНА" ИСПАНИЯГА БОРАДИ

Республикамизнинг "Сўғдиёна" камер оркестри Франциянинг Марсель ва Лион шаҳарларида бир ҳафта мобайнида ўзбек бастакорларининг асарларини ижро этиб, олқиш олди. Бастакорлардан М. Бафоев, Х.Раҳимов, Ф.Алимов, А. Мансуров қўшиқлари ижро этилди. Асарларни санъаткорлар Меҳри Бекжонова ва Абдуҳамид Абдуқодиров куйлашди. Оркестр навбатдаги Испания сафарига янги дастур билан ҳозирлик кўрмоқда.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

КОМИЛЖОННИ ЁД ЭТИБ

ХОРАЗМ. Ажойиб овоз соҳиби, таниқли хонанда Комилжон Отаниёзов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган дастлабки кўрик-танлов якунланди. Мамлакатнинг барча вилоятларидан келган 50 дан ортиқ ёшлар танловда иштирок этишди. Самарқандлик ёш хонанда Зарифбой Азимов мутлақ ғолиб деб топилди. Унга 50 минг сўмлик пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, Оғабек Собиров билан Зулфия Йўлдошева ҳам фахрли ўринларни эгаллашди.

Рўзимбой ҲАСАН.

ҲАР БИРИГА УЧ МИНГ СЎМЛИК КИЙИМ – КЕЧАК

НУКУС. Экологик жиҳатдан ноқулай шароитда яшаётган Оролбўйи аҳолисига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш давом этмоқда. Халқаро ташкилотлардан хайр-эҳсон келтирилмоқда. Жаҳон банки ва "Оролни қутқариш" халқаро жамғармаси томонидан ҳар бир ўқувчига 3 минг сўмлик кейим-кечак келтирилиб, Бўзатов туманида минг нафар болага тақсимлаб берилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 12 июль, шанба № 81 (22.165).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

✓ 1993 йил 13 июль — ***Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари давлат раҳбарларининг келишувига биноан тузилган Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш йиғилиши бўлди.***

✓ 1994 йил 13 июль — ***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.***

БЎЗДА МУСТАҚИЛЛИК ШАҲАРЧАСИ

Истиқлол берган қувонч

Фаҳриддин Бўз туманидаги М. Жалолов номли ширкатлар уюшмасида монтёр, унинг турмуш ўртоғи — Дилфузахон Умарова мактабда муаллимлик қилишини суҳбат давомида билдик. Фаҳриддин билан Дилфузахоннинг меҳнатлари туфайли икки хонали уйнинг жиҳозлари кўримли, жой-жойига қўйилган.

—Янги уйимиз омад, бахт келтирди, — дейди Санобархон опа бизни чилги узум остидаги сўрига бошлаб. — Келин олдим, катта ўғлим ички ишлар ходими бўлиб хизмат қилаяпти.

— Маҳалламизда эса тўй-ю тантаналар тез-тез ўтказиляпти, — ғурурла сўзлашда давом этди Санобархон опа. — Фаҳриддин билан Ёдгоранинг никоҳ тўйи қувончли ўтди. Бўз тумани ҳокимлиги, бутун маҳалла шодиёнанинг ҳомийси бўлдилар. Янги оилага янги уй уларнинг қувончли кунларида тўёна қилинди.

Санобархон опа бизни келин-куёвлар хонадонига таклиф этди.

Ҳали келин сеп-сидирғаси ифори келиб турган янги уй хоналари ёшликнинг жўшқинлиги билан ўзгача файзли кўринди.

Кейинги уй дурадгор уста Илҳомжон Боййигитовларники эканини айтишди. Ҳилолахон билан Илҳомжон янги уй шарофати билан қутлуғ кунларда туғилган фарзандига Иқболжон дея исм қўйибдилар. Мустақил мамлакат, қадрдон Ватан, фарзанд истиқболи ота-она кўнглида.

Истиқлолнинг шукуҳли кунларида вилоят ҳокимлигининг кўмаги билан Бўз туманида уй-жой қуришни режали тарзда амалга оширишда дадиллик кўрсатилди. Бугун қатор қурилган уйлар бутун бир шаҳарчани эслатади. Қирқ оила уйли бўлгани, яна 20 та турар жой биноси битаётганини, газ, сув тармоғи ўтказилгани кўпчиликни хурсанд этмоқда. Янги номига монанд Мустақиллик шаҳарчаси чирой очмоқда.

Қурилиш материаллари қиммат бўлган пайтда турар жойлар қурилишини рўёбга чиқаришнинг ечими топилди. Туман ҳудудидаги ғишт заводи, ўрмон хўжалиги маҳсулотларидан фойдаланишга ҳаракат қилдик, — дейди Бўз тумани ҳокими А. Ўринбоев. — Кўплаб ташкилотлар техникалари билан ёрдам бергани ҳам ишни тезлатди. Уйларни нуфузли комиссия тақсимлади.

Мустақиллик шаҳарчаси — истиқлолнинг қутлуғ қувончли онларининг тимсолига айланди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАЙРАМГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРАЙЛИК!

Партия ахбороти

10 июль куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг олти йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказишда партия ташкилотларининг иштирокига доир Тадбирлар режаси тасдиқланди. Ҳужжатда партия барча бўғинларининг жойларда ташкил этиладиган байрамолди ва байрам тадбирларида фаол иштирок этишлари, меҳнат жамоалари, аҳоли истиқомат жойларида фуқаролар ўртасида оммавий-сиёсий ҳамда маданий-маърифий ишларни уюштиришлари кўзда тутилмоқда. Марказий Кенгаш бўлимларига, тарғиботчиларга ёрдам тариқасида, услубий ашё ва маъруза, суҳбат, мулоқотларнинг намунавий мавзуларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Қорақалпоғистон Республика, вилоят, шаҳар, туман партия кенгашларига умумхалқ тантаналарига пухта ҳозирлик кўришда ўзларининг ўринлари ва вазифаларини аниқлаш, давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари, корхоналар, хўжаликлар маъмурияти, жамоат ташкилотлари билан биргаликда турли байрам тадбирларини ўтказишда фаол иштирок этишларига доир тавсия берилди. Партия марказий газеталари ва «Мулоқот» журнали таҳририятларига умумхалқ байрамига оид мақолалар, мусоҳабалар, фотолавҳалар, кичик ҳажмдаги бадиий асарларни чоп этиш, мазкур нашрларнинг ушбу санага бағишланган саҳифалари ҳамда махсус сонларини чиқариш таклиф қилинди.

Сиёсий ижроия қўмита «Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг «Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти ташкилотларининг партиявий-сиёсий, мафкуравий ишлар таянч нуқталари — «Маърифат» марказларини вужудга келтиришга доир иш тажрибаси ҳақида»ги, 1996 йил 23 май, қарорининг Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари партия ташкилотларида ижро этиш аҳволи тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди. Мажлисда мазкур партия ташкилотларининг ушбу йўналишда муайян ишларни амалга оширганликлари қайд этилди. ХДП қатор шаҳар, туман кенгашлари ва йирик бошланғич (ҳудудий) ташкилотларининг «Маърифат» марказлари турли оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар, семинарлар, кенгашлар ўтказиш масканига айланмоқдалар, партия қўйи бўғинлари етакчилари ва тарғиботчиларига услубий ёрдам кўрсатишни йўлга қўймоқдалар.

Шу билан бирга, Сиёсий ижроия қўмита мазкур партия ташкилотлари диққатини ХДП шаҳар, туман кенгашлари ва йирик бошланғич ташкилотларининг барчасида ҳам шундай Марказлар тузилмаганлигига қаратди. Мавжуд «Маърифат» марказларидан баъзиларининг фаолияти талаб даражасида эмас. Улар ҳозирча мафкуравий ишлар, сиёсий ва маърифий хусусиятдаги тадбирларни ўтказишда партия ташкилотларининг ҳақиқий таянчларига айланганлари йўқ. Бундай нуқсонлар партиямиз бошқа ташкилотлари фаолиятида ҳам мавжуд. Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ХДП барча ташкилотлари олдига ушбу соҳадаги ишларни давом эттириш вазифаси қўйилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига 223-Бешкент ва 236-Яккабоғ сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга номзодлар кўрсатиш масаласини ҳам кўриб чиқди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайлов ўтказувчи: 223-Бешкент сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази директори, «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик маркази раҳбари, 1958 йилда туғилган, юридик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ХДП МК аъзоси Акмал Холматович Саидов; 236-Яккабоғ сайлов округидан Қашқадарё вилояти ёшлар «Камолот» жамғармаси раиси, 1962 йилда туғилган, олий маълумотли инженер, иқтисодчи, Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг аъзоси Боймурат Жумаевич Юсупов номзодлари кўрсатилди.

Сиёсий ижроқўм мажлисида муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ў. Т. КОМИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўткир Толипович Комилов Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 11 июль.

Ўзгаришлар шабадаси

ҚАДИМ ШАҲАР ТЎЙИГА АТАБ

Бухоронинг 2500 йиллик тўйи тантаналарига ҳам оз қолди. Шу боис ҳар бир меҳнат жамоаси катта байрамга муносиб совға ҳозирламоқда. Айниқса И. Фозилов номидаги трикотаж фабрикасида тайёрланаётган маҳсулотларда бу ўз аксини топаётир. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 33 маҳсулот тури янгиланди. 10 номдаги янги тўқима трикотаж кийим-кечаклар ишлаб чиқариляпти.

Бухоронинг 2500 йиллик тўйига атаб корхона тамғаси босилган кичкинтойлар либосларининг эса бозори чаққон. Юбилей либосларини тикишда Мубашира Аҳмедова, Мукаррам Иброҳимова каби устозлар бошчилик қилаётган цех жамоалари, айниқса тиниб-тинчимаётирлар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ОЛТИН ҚОРАКЎЗ» ФЕСТИВАЛИ

Туркиянинг Бурса шаҳрида бошланган «Олтин қоракўз» халқ миллий ўйинлари фестивалида ўзбек санъаткорлари ҳам муваффақият қозонмоқда. Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмасининг раққоса қизлари бу халқаро кўрикка манзур бўладиган қадимий ва янги ўйинлар тайёрлашган. Турк томошабинлари Гулираъно Муҳаммаджонова, Хумора Ихтиёрова, Муяссар Сотиболдиева, Илгиза Зарипова ва Эльмира Норбоева каби ўттиз раққоса қиз маҳорати орқали ўзбек маданияти билан танишмоқдалар.

Наргиза ИБОДОВА.



Нашида.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Араб давлатлари иттифоқи НАТОнинг Мадриддаги саммити натижалари ва унинг кенгайтирилиши Европадаги хавфсизлик тизимини, шунингдек, Яқин Шарқ ҳудудидаги вазиятни ўзгартира олмади, дея ҳисоблайди. Бу ҳақда Араб давлатлари иттифоқининг бош котиби Исмат Абдул Моҳид ахборот агентликлари мухбирларига баёнот берди. Унинг таъкидлашича, Европа хавфсизлигига қилинган ҳар қандай таҳдид Яқин Шарқ ҳудудидаги вазиятга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.***

* * *

☑ ***Кеча Монголияда миллий байрам нишонланди. Монголия давлати эълон қилинган кун муносабати билан бўлаётган байрам бугун ҳам давом этади.***

* * *

☑ ***АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэн кеча расмий ташриф билан Киевга келди. У НАТО режасига биноан Ғарбий Украинада ўтказилаётган «Тинчлик учун ҳамкорлик» доирасидаги «Коперетив Нейбор-97» ҳарбий машқларининг ёпилиш маросимида иштирок этди.***

* * *

☑ ***Австриянинг Зальцбург шаҳрида иккинчи Европа иқтисодий анжумани якунланди. Унда марказий ва шарқий Европа давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этишди. 11 давлатдан келган вазирлар, жамоат ва сиёсат арбоблари анжуманда қатнашишди.***

* * *

☑ ***АҚШ Президенти Варшавадаги музокараларни якунлаб, Руминия, кейинчалик Данияга қисқа муддатли ташриф билан боради.***

* * *

☑ ***Америка генерали Уэсли Кларк кеча ўз ватандоши генерал Жорж Жоулвандан Европадаги бирлашган НАТО қуролли кучлари олий қўмондонлиги вазифасини қабул қилиб олди.***

* * *

☑ ***Комбоджада иккинчи бош вазир Хун Сен раҳбарлигидаги халқ партияси ҳарбий гуруҳлари билан биринчи бош вазир Народом Ранарит раҳбарлигидаги монархия гуруҳлари ўртасидаги жанглар давом этмоқда.***

ТАРКИ ОДАТ — АМРИ МАҲОЛ...МИ?

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Яқинда бир гуруҳ хоразмлик ҳамкасблар қадим Бухоро зиёратига отландик. Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд қадамжосини тавоф этдик, 2500 йиллик муборак тўйига ҳозирлик кўраётган қадимий шаҳарнинг жаҳонга машҳур меъморий обидаларини кўздан кечирдик. Хевада тезкор олиб борилаётган таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари кўз олдимизда ҳар куни содир бўлаётганига гувоҳмиз. Қадим Бухорода бу борада янада қўламлироқ ишлар қилинаётгани бизни қувонтирди. Дам олиш — дам олиш куни бўлишига қарамасдан барча обидаларда усталар ҳордиқ нималигини билмай ишлашяпти. Қўҳна Арк деворларини тиклаш учун ўрнатилган кўтарма кранлар бир зум тиним билмайди. Истиқлол туфайли қадим меъморий шаҳар иккинчи умрини яшаётгани бизни севинтирди.

Шаҳар чеккасидаги тарихий иншоот — Ситораи Моҳи Хосани кўришга бордик. Меъморий услуби, жозибали нақшлари билан бу обида бетакрор. Ҳар бир хона ва залларида боболаримизнинг минг йиллик ноёб ҳунармандчилик излари кўзга ташланади.

Ёшгина гид қиз ҳамроҳлик қилди. Обидаларнинг қурилиши, амирликда тутган ўрни, вазифаси ҳақида қизиқ ҳикоялар сўзлаб берди. Лекин, афсус таъбимизни бошқа бир нарса хира қилди. Гид қиз ҳар бир хона, зал қурилиши билан боғлиқ тарихий воқеани баён қиларкан, икки гапнинг бирида «инқилобгача», «инқилобдан кейин» жумлаларини зўр бериб такрорларди. Гап албатта тарихимизга қора ҳарфлар билан ёзилган «Бухоро инқилоби» ҳақида кетаётганди. Аммо, бирор ўринда ҳам гид бу «инқилоб»га баҳо бермади. Унинг сўзларида ана шу жумлага ижобий қараш яққол сезилиб турарди. Амир Олимхоннинг фарзандлари тақдири ҳақида сўзларкан, ўғилларининг бирини Фрунзе «ўз тарбиясига олиб, одам қилгани, ўқитгани»ни ҳам завқшавқ билан сўзлаб берди...

Амирнинг ёзги оромгоҳи ёнидаги ҳовуз ёнида эса яна бир гид сайёҳларга «амирнинг қизларга олма отиши» билан боғлиқ воқеани кўлиб ҳикоя қиларди. Тарихимиз ҳақида етмиш йил бизга ўргатишган воқеалар бир зумда кўз ўнгимда такрор жонланди ва тутиқушдек ёд олинган тарихни такрорлаётган гидлар қайси замонда яшаётганликларини унутиб қўймадиларми, деган ҳақли савол туғилди...

Худди шу ерда турли суратлар, йўл кўрсаткичлар сотаётган аёл эътиборимизга ҳавола қилган «Бухара. Туристическая схема» йўл кўрсаткичи эса 1986 йилда Москвада чоп қилинган бўлиб, унда «Бухоронинг Совет ҳокимияти даврида гуллаб-яшнагани ҳақда»ги сўзларни ўқиш мумкин эди. Кўрсаткичдаги барча атамалар, жой номлари Шўро давриники. Сайёҳлар учун бирламчи манзил сифатида — Ленин ҳайкали, «Халқ инқилоби қурбонлари шарафига ўрнатилган ёдгорлик»лар кўрсатилганди...

Ачинарлиси, истиқлолга эришганимизнинг олтинчи йилида ҳам қадим шаҳар учун махсус йўл кўрсаткич нашр қилинмагани бўлди. Наҳотки, 2500 йиллик юбилей кунларида ҳам кўплаб келган меҳмонлар, сайёҳларга шўро замонларидан мерос олқиндилар сотилса! Наҳотки, гидлар ҳамон ўз «тарихларини» янгилашга улгурмаган бўлишса?

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мамлакатнинг қудратли таянчлари

УЧ МИЛЛИАРД ВА ЯНА МИЛЛИАРДЛАР...

Табиий заҳиралардан унумли фойдаланиш — юртимизда кечаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан биридир. Нефть ва газ миллий корпорациясига қарашли «Шўртангаз» газ конлари бошқармасида янги қувват — суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмасининг фойдаланишга топширилганлиги бу соҳадаги жиддий янгилик. Мухбиримиз яқинда бошқарма бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Абдулла Абдуназаров билан учрашиб, бу янгиликнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб беришни сўради.



— Абдулла ака, аҳолини табиий газ билан таъминлаш кейинги пайтда бирмунча жадаллашди. Аммо кўпгина қишлоқларда ҳозирча суюлтирилган газ ҳам етишмаётгани сир эмас. Янги қурилма бу муаммони тўла ҳал қила оладими?

— Менимча масалани бу тарзда қўймаслик керак. Нега дейсизми? Чунки суюлтирилган газ ўз навбатида транспорт воситалари учун ҳам арзон ва серталаб ёқилғидир. Илгари суюлтирилган газ асосан четдан келтирилган. Истиқлол туфайли бизнинг корхонамиз олдида ҳам катта истиқболлар очилди.

Газни тозалаш ва ундан конденсат ажратиб олиш анча мураккаб жараён. Биргина ўтган йили 20 миллион кубометр газ ишлаб чиқардик. Анча уринишлардан кейин конденсат таркибидан қимматбаҳо ёқилғи ҳисобланган газпропан ва бутанни ажратиб олишга муваффақ бўлдик. Чунки газда аралашма сифатида учрайдиган бутан ва пропанни тўғридан-тўғри ажратиб олиш имконияти йўқ эди.

Нефть ва газ миллий корпорациясининг ҳаракати, ҳукуматимиз ажратган катта маблағ эвазига бунга эришдик. Қисқа вақт ичида корхонамизда янги қурилма ишга тушди. Кўпгина ускуналар мамлакатимиздаги корхоналарда ясалган. Американинг «Атлас Конко Ротофлоу» фирмаси суюлтирилган газ ажратишда муҳим ҳисобланган «Трубадетандер» ускунасини етказиб берди. Америкалик мутахассислар ускунанинг ишлашини назорат қилиб туришди. Қурилиш-монтаж ишларини «Муборакнефтгазмонтаж» трести амалга оширди. Энди айрим рақамларни келтирай. Янги қурилма йилига 3 миллиард кубометр газ таркибидан 65 минг тонна суюлтирилган газ ажратиб бериш қувватига эга. Тозаланган, корхоналарга жўнатилаётган газ таркибидан шунча янги маҳсулот ажратиб қолинаётганлигининг ўзиёқ катта муваффақиятдир. Энди анча ёқилғи аралашма сифатида ёниб кетмайди. Суюлтирилган газни имконият даражасида баллонларга жойлаб аҳолига етказиб бериш мумкин. У билан ишлайдиган транспорт воситалари ҳам кўпайиб бормоқда. Олайлик, бир тонна суюлтирилган пропан гази 4,5 минг сўм, худди шунча бензин эса ўртача 18—20 минг сўмдан сотилаётганлигини эслатмоқ кифоя, менимча.

— Ҳадемай, йирик кимё мажмуи қурилиши бошланади. Бу қўшма корхонада ҳам суюлтирилган газ тайёрланадими?

— Бу улкан иншоотнинг бунёд этилиши ҳақиқатдир. Айни кунларда лойиҳа ишлари жадал олиб борилмоқда. Кўшни корхона бизнинг бошқармамиз ҳудудида қурилиб, 6 миллиард кубометр газни яна қайта ишлайди. Қуввати 135 минг тонна полиэтилин, 137 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқаришга етади. Ўзингизга маълум, сув ва газлаштириш учун темир қувурлар етишмайди. Амалда бу масала ҳал бўлади. Пўлатдек мустаҳкам синтетик қувурлар чиримай узоқ муддат хизмат қилиши тайин.

— Суҳбатимизда бевосита аҳолини арзон ёқилғи билан таъминлаш масаласи қўтарилмоқда. Корхона қишлоқларни газлаштиришга бевосита қандай ҳисса қўшяпти?

— Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги ўнлаб қўшма корхоналар, минглаб аҳоли хонадонларида корхонамиз тозалаб узатаётган табиий газ ёнмоқда. Бу билан ҳақли равишда фахрланамиз. Очиғи, қишлоқларни газлаштириш учун катта маблағ ва қувурлар керак. Бошқармамиз бу ишга имкон даражасида кўмаклашмоқда. Ғузор туманидаги Янгикент, Эшонқудуқ қишлоқларида табиий газдан фойдаланишмоқда. Майна Ҳасанова, Абдулла Турсунов, «Пачкамар», Қарши туманидаги «Манғит» хўжаликларига қараб юқори, ўрта ва кичик босимдаги газ қувурлари тортилмоқда. Ҳозиргача 55 километр қувур ётқизилди. Йил охиригача икки баравар ошади.

Фақат шугина эмас. Бу йил май ойида юз берган табиий офат Ғузор тумани хўжаликлари ва аҳоли уй-жойларига катта зарар етказди. Бошқармамиз ишчи-хизматчилари билан ўзаро маслаҳатлашиб, жабрдийдаларга беминнат кўмак беришга қарор қилдик. Ҳозиргача уларга 2000 дона шифер, 1500 квадрат метр дераза шишаси тарқатилди. Фарғонадан яна шифер келтиряпмиз. Бир сўз билан айтганда, биз қазиб олаётган миллиард кубометрлаб газ ва бошқа бойликлар мамлакатимиз қудрати ва халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилади.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат. Сиз орқали икки минг кишилик жамоангизга омад тилаймиз.

Суҳбатдош:
Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

(«Мулоқот» саҳифаларида)



Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг миллий, ижтимоий-сиёсий ва тарихий-бадиий журнали «Мулоқот»нинг 1997 йилги 4-сони (июль-август) муштарийлар қўлига тегди. «Мулоқот»нинг янги сонини қўлга олсангиз бугунги ҳаётимиз ҳақида ёрқин тасаввур уйғотувчи таҳлилий мақолалар билан бирга халқимизнинг миллий урф-одатлари, бебаҳо қадриятлари, хуллас, буюк тарихимизнинг ҳали ўқилмаган саҳифалари билан ошно этувчи кўплаб материаллар билан танишасиз.

Инсон манфаатларини таъминлаш — мустақил давлатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб асосини ташкил этади.

«Бугунги кунда ҳар бир киши бу ғоя замирида қандай маъно мужассамлигини, бу билан биз ўз олдимизга қандай мақсад қўйганимизни яхши англаб олиши жуда муҳимдир», — деганди юртбошимиз Ислом Каримов 1997 йил 26 февралдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқида.

«Мулоқот»нинг янги сони таниқли файласуф олим Абдулҳафиз Жалоловнинг «Манфаатлар мувозанати посангиси» мақоласи билан очилади. Зеро, ҳар бир оила ва ҳар бир инсоннинг фаровонлигини яхшилашга хизмат қилувчи ушбу тарихий қарорнинг туб моҳияти нималардан иборат? Муаллиф инсон манфаатлари йилида бир-бири билан узвий, чамбарчас боғлиқ бўлган маънавият, манфаат, сиёсат каби фалсафий тушунчаларнинг маъноси, моҳияти ҳамда халқимиз ҳаётидаги ўрнини содда, ҳаётий мисоллар билан тушунтириб беради.

Тил — миллат кўзгуси. Она тилимиз ўзининг мазмунан бойлиги, сержило оҳанги билан жаҳондаги ҳеч бир тилдан қолишмайди. Шу кунларда она тилимизга эътибор қай даражада? «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Қонуни мутасадди ташкилот ва фуқароларимиз томонидан қандай бажарилмоқда? Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Убайдулла Мингбоевнинг «Она тилимни севаман», профессор Назар Ражабовнинг «Миллий бирлигимиз рамзи» мақолаларида янги таҳрирдаги давлат тили қонунининг моҳияти ҳақида сўз боради.

— Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи ва жонидир, — деб ёзганди Президентимиз Ислом Каримов.

«Мулоқот»нинг янги сонидан ўрин олган Абдураҳим Эркаевнинг «Маънавий эҳтиёжнинг юксалиши», Абдухалил Мавруловнинг «Мафкурамиз манбалари», Абдувосит Йулдошевнинг «Камолот йули» мақолаларида юқоридаги фикрларнинг моҳияти ҳаётий факт ва мисоллар орқали очиб берилган.

Жаҳонда «Шарқ Арастуси» номи билан машҳур бўлган, қомусий илм соҳиби, буюк бобокалонимиз Абу Наср Форобийдан бизга дунёвий илмларга оид 160 дан ортиқ асарлар қолган. Академик Музаффар Хайруллаев мақоласида қомусий олим Форобийнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида содда ва равон тилда ҳикоя қилинади. Шу муносабат билан журнал зарварағида Узбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаровнинг юксак маҳорат билан чизилган «Форобий» портрети ҳам берилган. Журналист Абдуҳамид Ҳабибуллаевнинг «Шахсий фикр» рукнида берилган «Оталик иззати» мақоласи муштарийларда катта қизиқиш уйғотади деган умиддамиз. Муаллиф «Қуръони карим», «Ҳадиси шариф», «Мухтасар», «Ҳидоя», «Чор китоб» каби ўнлаб манбаларга суянган ҳолда барчамизни оиланинг сардори ва сарвари бўлмиш ота, унинг иззатини юксакка кўтаришга чорлайди.

Буюк соҳибқирон Амир Темур қайси мамлакатни забт этмасин, у ердан донги кетган олимларни Самарқандга олиб келарди. Шулардан бири илоҳий илмлар пешвоси Саййид Журжоний эди. Файласуф олим Ҳайдар Алиқуловнинг «Мулоқот»нинг янги сонидан жой олган жажжи тадқиқотини ўқисангиз Амир Темур ва Саййид Журжоний муносабатларига оид қатор янги маълумотларга эга бўласиз.

Муштарийларга яхши маълумки, «Мулоқот» журнали бир неча йиллардан буён ўз саҳифаларида «Темурийлар шажараси»га оид туркум мақолалар бериб бормоқда.

4-сондан жой олган Фофуржон Сотимовнинг «Акбаршоҳ» мақоласи тарихий манбаларга суяниб ёзилганлиги билан ажралиб туради. Зеро, Бобурийлар даврининг чуқур билимдони Сор Уильям Слимон ҳақли равишда эътироф этганидек: «Шоирлар даврасида Шекспир қандай мавқеда турса, дунё шоҳлари ичида мен учун Акбар ана шундай мавқеда туради».

Хаёлан мозийга сафар қилсангиз, тарихимизнинг нурли ва нурсиз саҳифаларига дуч келасиз. Аштархоний хонлари ҳукмронлик қилган давр — шубҳасиз, қадим тарихимизнинг нурсиз, узаро ички низолар чуққисига чиққан даври ҳисобланади. Тарихчи Ҳалим Тўраевнинг «Убайдуллахоннинг сўнгги кунлари» мақоласини ўқисангиз, Аштархонийлар сулоласининг еттинчи вакили Бухоро хони Саййид Убайдулла Баҳодирхоннинг аччиқ тақдиридан воқиф бўласиз. «Мулоқот»нинг янги сонини ўқиган муштарий адабиёт ва санъат муаммоларига оид қатор қизиқарли материаллар билан ҳам танишади. Хусусан, адабиётшунос Абдуғафур Расуловнинг «Узликнинг таянч туйғуси» мақоласида мустақиллик йилларида яратилган янги асарларда ғурурли ва ориятли инсонлар — полвонлар образи таҳлил этилса, санъатшунос Оқилхон Иброҳимовнинг «Мақомнинг табаррук номлари» мақоласида узбек мақомларининг келиб чиқиши, номланишига оид шу кунгача мавжуд бўлган чалкашликларга аниқлик киритилади.

Мазкур сондан ўрин олган Шарқ халқлари орасида маърифат чашмаси ҳисобланган «Чор китоб»нинг давоми, шоир Муҳаммад али Қўшмоқбойнинг «Гуруғли» драматик достонидан парча, Фатҳиддин Исҳоқовнинг «Зарбулмасал» талқинлари», академик Бурибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» романи таҳлилига бағишланган «Абадиятга дахлдор» мақоласи ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди деган умиддамиз.

Журналнинг сўнгги саҳифаларини ўқисангиз «Мулоқот» дафинаси» рукни остида кундалик ҳаётимизда асқотадиган қатор фойдали маслаҳатлар билан танишасиз.

Ўрол ЎТАЕВ.

Қирқ кокилинг белларингдан қучар қизгина,
Хаёлларинг олисларга учар қизгина.

Ошиқ дунё садоқатни сендан ўргансин,
Йўлларингни гул-чечаклар безар қизгина!..

АЖДОДИМИЗНИНГ ВАТАН ТУЙҒУСИ

Туркий халқларнинг аждодлари бўлмиш хуннлар жуда қадим замонлардан Марказий Осиё, Сибириё ва шарқда Тинч океанигача бўлган ҳудудларда яшаб келганлар. Ғарбда эса улар Каспий ва Қора денгизларнинг атрофлари ва Дунай дарёсигача бўлган ерларда турмуш кечирганлар. Бу улкан ҳудудларда истиқомат қилган хуннларнинг асосий машғулоти чорвачилик ва овчилик бўлган. Об-ҳаво ва йилнинг фаслига қараб улар яйловларни ўзгартириб турганлар.

Хуннлар ҳаётида отлар муҳим ўрин тутган. Чорвани ўтлатиш, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, юртни мудофаа қилиш каби ишларни бажариш учун уларга бақувват, чопқир отлар керак эди. Шунинг учун улар чопқир бедовлар етиштиришга, уларни алоҳида парвариш қилишга катта эътибор берганлар. Тулпор отларни хуннлар ўзларига яқин дўст ҳисоблаганлар.

Учқур отлар хуннларнинг жуда катта ҳудудларда ортиқча қийинчиликларсиз кўчиб юришини таъминлаган. Бу отлар нақадар чопқир бўлганини қадимги ёзма манбалардан ҳам билиб олса бўлади. Масалан, милоддан аввал битилган хитой манбаларида хуннларнинг қанотли отлари бўлгани баён қилинади. Аслида қанотли отлар фақат эртакларда бўлади. Хунларнинг отлари шиддат билан чопганда уларнинг ёллари шамолда ҳилпираб қанотга ўхшаган бўлса керак. Эҳтимол шунга кўра, хунн отлари нақадар тез чопишини ифодалаш учун ҳам хитой тарихчилари уларни қанотли, деб ёзгандир.

Чорвадор халқлар бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрар эканлар уларнинг ҳар бирига хос ва тегишли кўчув жойлари бўлган. Шу жойлар ўша чорвадорларнинг юрти ёки Ватани ҳисобланган. Ана шу юрт, Ватанни кўчманчи қабилалар муқаддас билишган. Ватан туйғусининг кўчманчи қабилалар учун нечоғлик азиз бўлгани қадимги битикларда ўз аксини топгани ҳам маълум.

Туркий халқларнинг, жумладан Марказий Осиё туркий элларининг аждоди ҳисобланган Уғизхон ҳаёти ота-боболаримиз Ватанни қанчалик эъзозлаганларига ёрқин мисол бўлади. Уғизхон тўғрисида бизгача етиб келган манбаларнинг энг қадимгиси Хитой манбаларидир. Жумладан қадимги Хитой тарихчиси Сюй Гуан гувоҳлик беришича, Уғизхон тахтга эрамиздан аввалги 209 йилда ўтирган. У туркий элатларни бирлаштириб марказлашган кучли давлат тузишга киришади.

Туркий халқлар билан кўшни бўлган давлат бошлиғи Уғизхон юртига кўз олайтира боқлайди. Бу давлат Уғизхон билан уруш келтириб чиқариш учун турли баҳоналар излайди. Шу мақсадда у Уғизхонга элчи юбориб ҳақоратли талаб қўяди: унга кўра, Уғизхон отаси Туманхон (баъзи манбаларда Туминхон)дан қолган тулпор отни бериши керак эди. Уғизхон бу тулпорни жуда яхши кўрар, ардоқларди. Бу талаб унга қанчалик қаттиқ ботмасин, элчиларни қайтариб юбормай, юрт оқсоқолларини маслаҳатга чақиради. Юрт катталари, «туркларнинг энг катта бойлиги — от. Бу тулпор эса сенга отангдан қолган мерос. Уни бермаслигимиз керак,» дейишади.

Уғизхон эса, юртимиз тинчлиги, Ватан омонлиги битта отга боғлиқ бўлса, у ҳар қанча учқур ва зотдор бўлмасин, уни беришимиз керак, дейди. Элчиларга рад жавоби берилса, ўртада уруш келиб чиқишини у сезиб турганди. Душман ҳужумини қайтариш учун эса ҳозирча етарли куч йўқ. Уғизхон жигарининг бир парчасини узиб бергандай, тулпорни элчиларга бериб юборади.

Миллат ифтихори

Орадан кўп вақт ўтмай элчилар яна қайтиб келишади. Бу сафар улар аввалгидан ҳам оғирроқ шарт билан келган эдилар. Уларнинг подшоси энди Уғизхоннинг суюкли хотинини талаб қилган эди. Бу талабни эшитиб Уғизхоннинг юрагига ханжар санчилгандай бўлади. Ғазабидан наъра тортиб юборади. Лекин юрт, Ватан тинчини ўйлаб ўзини босади. У яна юрт катталарини машваратга чорлайди.

Юрт улуғлари элчиларнинг талабини эшиттач, бу шарт турклар учун нақадар ҳақоратли эканини айтишади. «Маликамизни биз бошқа юрт ҳукмдорига чўри қилиб қўймаймиз. Бундай қилиш биз учун иснод», — дейишади улар. Уғизхон қалбидаги оғриқни базўр босаркан: «Жонимни сўрашса эди, балки осонроқ берардим. Лекин халқ ва Ватан тинчлиги учун шу тадбир зарур бўлса не илож? Уз шаъним учун бундай иснодни бўйнимга олишга фақаттина Ватанимга, халқимга бўлган муҳаббатим мажбур қилмоқда», — дейди у. Бу сафар ҳам рад жавобини берса, ўртада уруш келиб чиқиши мукаррарлигини ва ҳозирча турклар душманга бас кела олмасликларини Уғизхон биларди.

Элчилар унинг суюкли хотинини олиб кетишади.

Ўртада барибир бир кун уруш келиб чиқиши муқаррарлигини тушунган Уғизхон жангга тайёргарликни тезлаштириб юборади. Узоқ-яқин аймоқлардан жангчилар чақирилади. Улар уруш учун етарли қурол-аслаҳа, кийим-кечак, озиқ-овқат ғамлай бошлайдилар.

Бироз вақт ўтгач, қўшни давлат элчилари яна қайтиб келишади. Ўша пайтдаги удумга кўра, давлатлар ўртасидаги чегаранинг ҳар икки томони бўш ётиши керак экан. У ерларда деҳқончилик қилинмас, чорва ҳайвонлари ҳам боқилмас экан. Чегара узунлиги 1000 чақиримга яқин бўлиб, Уғизхон томондаги ерлар унумсиз, экинзор ва яйлов учун яроқсиз экан. Бу сафар элчилар ана ўша бўш ётган ерларни талаб қилишибди.

Элчилар талабини тинглагач, Уғизхон мамлакат улуғларини яна маслаҳатга чақирибди. Улуғлар масаланинг ҳамма томонини ҳисобга олиб бир фикрга келишибди. Улар Уғизхонга: «Элчилар талаб қилаётган ер на деҳқончиликка ва на чорва яйловига ярайди. Бу ерларнинг ҳаммаси ҳеч нарса битмайдиган тақир. Улардан бизга ҳеч фойда йўқ. Қўшни ҳукмдор шу ерларни талаб қилган экан, бериб қўя қолайлик», дейишибди.

Уғизхон юрт улуғлари фикрини билгач, уларга қарата шундай дебди: «Мендан учқур тулпоримни талаб қилишди, бердим. Суюкли хотинимни талаб қилишди, Ватаним тинчи учун уни ҳам бердим. Лекин улар энди талаб қилаётган ер ҳар қанча унумсиз, ҳар қанча тақир бўлса ҳам, Ватанимнинг бир парчаси. Уни бировга беришга на менинг ва на Сизнинг ҳаққингиз бор. Ватан тупроғи олдидаги бурч фақат битта-уни ҳимоя килиш!»

Элчилар бу сафар рад жавобини олиб қайтиб кетишибди.

Орадан кўп ўтмай қўшни давлат лашкарлари Уғизхон юртига юриш бошлабди. Узоқ давом этган урушда Уғизхон ғалаба қозонади. Шу тариқа у қудратли ва улкан давлатга асос солди. Бу давлат сарҳадлари Хуанхе дарёсидан тортиб Мўғулистон, Олтой ўлкаси, Шарқий Туркистон, Марказий Осиё, Ҳиндистон, Хуросон, Каспий денгизи атрофларини ўз ичига оларди. Бундай улуғвор давлатни Уғизхон тадбиркорлик, ақл-заковат ва Ватанга чексиз муҳаббат туфайли туза олди, бошқарди мустаҳкамлади. Унинг авлодлари милоддан аввалги 57 йилгача, яъни 152 йил давомида ҳукм сурдилар. Уғизхон авлодларидан саккиз хон тахтга ўтирди ва улар бир ярим асрдан ортиқроқ вақт давомида давлатни бошқардилар.

Биз Уғизхон ҳаётидан кичик бир лавҳа келтирдик холос. У тарихда Искандар Зулқарнайн, соҳибқирон Амир Темур каби лашкарбошилар билан бир қаторда турадиган буюк шахс. Аммо шўролар даврида унинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ўқда турсин, номи ҳам тилга олинмасди. Университетлар, институтлар, ўрта мактабларнинг тарих ва адабиёт бўйича дастурларида, дарсликларида Уғизхон номи мутлақо учрамасди.

Шуни афсус билан қайд этиш лозимки, истиқлол даврида, ҳаттоки кейинги бир-икки йил ичида ёзилган ва босилган тарих китобларида, жумладан, университетларнинг тарих бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳам Уғизхон номи тилга олинмаган. Ҳолбуки, халқимиз орасидан етишиб чиққан Мирзо Улуғбек, Абулғози Баҳодирхон сингари улкан тарихчилар шундай буюк аждодимиз билан фахрланганлар, унинг фаолиятини ўрганишга, тарих китобларига муҳрлашга катта эътибор берган эдилар.

Уғизхон юрт, Ватан тинчлиги учун, келажак авлодлар, яъни бизлар учун жондан ортиқ кўрган нарсаларини ҳам аямади.

Абдуллажон БЕГМАТОВ.

ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизда Очиқ Жамият институти ўз фаолиятини бошлади. У таниқли америкалик бизнесмен Жорж Сорос томонидан ташкил этилган жамғармалар, дастурлар ва институтлар халқаро тармоғининг бир қисмидир. Жаҳоннинг 25 мамлакатида, асосан Марказий ва Шарқий Европада ҳамда собиқ Иттифоқ мамлакатларида маҳаллий директорлар кенгашлари томонидан бошқарилаётган мустақил миллий фондлар ишламоқда. Ўзбекистонда эса 1996 йил кузида унинг ваколатхонаси очилган эди. . Шу йил баҳорида 20 га яқин грант берилди. Очиқ Жамият институти республика вазирликлари, олимлари, маориф, жамоат ва маданият муассасалари билан ҳамкорликда турли соҳалар бўйича дастурий фаолият ишлаб чиқди.

Алишер РЎЗИЕВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

КЕЧА, БУГУН, ҚЕЛАЖАК

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ривожланган мамлакатларни Шимолий Кореяда очликда кун кечираётган болаларга ёрдам кўрсатишга даъват этди. Маълумки, сўнгги икки йил давомида рўй берган табиий офат ва қурғоқчилик оқибатида КХДРда озиқ-овқат таъминоти кескин ёмонлашган эди. Шу вақтгача кўплаб давлатлар томонидан Шимолий Кореяга кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдами бу муаммони узил-кесил ҳал қилиш учун кифоя қилмаяпти.

* * *

Невада штатининг спорт комиссияси машҳур боксчи Майк Тайсонга нисбатан жазо чораларини кўришга қарор қилди. Маълумки, 28 июнь куни Лас-Вегасда оғир вазн тоифасида жаҳон биринчилиги учун ўтказилган мусобақада Майк Тайсон

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

рақиби Эвандер Холифилднинг қулоғини тишлаб олган эди. Комиссия қарорига биноан, бокс бўйича бир неча бор жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган 31 ёшли «Темир Тайсон» ана шундай мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Бундан ташқари, унга 3 миллион доллар жарима солинди.

* * *

Маълумки, АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэн мамлакат сенатига мурожаат қилиб, қуролли кучлар таркибида маълум қисқартиришларни амалга ошириш ҳақида таклиф билдирганди. Пентагон раҳбарининг таъкидлашича, ушбу тадбир 2,7 миллиард доллар миқдоридаги маблағни тежаб қолиш ва шунинг эвазига қурол-аслаҳанинг янги ўта замонавий турларини яратиш имконини берди. АҚШ сенати Пентагон маъмуриятининг ушбу таклифини маъқуллямади. Сенаторлар ҳарбий базаларнинг қисқартирилиши мамлакатда ишсизлар сонини кескин кўпайтириб юбориши мумкинлигига ишора қилмоқда.

Австралия ботаниклари ерда мавжуд бўлган ўсимликлар ичида энг кексасини топишди. У 43 минг ёшда экан. Бу бутанинг номи «Ломация тасманика» ёки қирол дуби, деб аталади. У Австралиядаги Тасмания оролининг жануби-ғарбий қиғоқларидаги инсон оёғи етмаган ўрмонлардан топилди. Бунгача АҚШда топилган 13 минг ёшли ўсимлик энг кекса, деб ҳисобланарди.

МАМЛАКАТНИ ТАРК ЭТМОҚДА

Комбоджадаги бекарорлик туфайли, АҚШ ҳукумати бу ерда ўз элчихонаси ходимларини мамлакатдан олиб чиқишга қарор қилди. Шу кунларда элчихонада фаолият кўрсатаётган 41 дипломат ва уларнинг 28 нафар оила аъзолари Комбоджани тарк этади.

Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

АМЕРИКА ЭЪТИРОФИ

АҚШдан келган доктор Анди Бейгал Давлат тест марказида чоп этилган М.Муҳитдинов, Д.Набишевларнинг «1996 йилги тестларнинг натижалари» (Таҳлилий материал)» китоби билан танишиб, қуйидаги фикрларни баён этди.

Менга Ўзбекистон ўқув юртларида қабул пайтидаги тест ўтказиш натижаларини кўриш насиб этди. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон ўқув юртларида тест синовлари бўйича эришилган ютуқлар мамлакатнинг чин ифтихоридир.

Ҳар қандай тест дастурининг қиммати унинг изчиллиги ва тажрибага асосланганлиги билан ўлчанади.

Дастурнинг самарали бўлиши учун тест тузишда иштирок этадиган кишиларнинг ҳаммасига очиқ бўлиши лозим. Бу шарт келгуси режаларни белгилаш ва ечимни осонлаштирадиган маълумотларни вужудга келтириш учун ҳаётий заруратдир.

Маълумотлар таҳлили аъло даражада бажарилган. Бу, тест натижалари баённида ёрқин акс этган. Таҳлилнинг аниқлиги тушунишни осонлаштиради.

Умуман, мен тақдим этилган дастурларнинг аниқлиги, равшанлиги ва фойдалилигидан таъсирландим. Бундай китобни фақат маъқуллаш керак.

Доктор Анди БЕЙГАЛ,
Нью-Йоркдаги бошланғич таълим қабули дастури координатори.

14 июль — Франциянинг миллий байрами

ҲАМКОРЛИГИМИЗНИНГ ЧЕЧАКЛАРИ

Ўзбекистон ва Франция давлатлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари тобора чуқур илдиз отаётир. Шу муносабат билан мухбиримиз Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Жан Клод Ришар билан давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида суҳбатлашди.

— Элчи жаноблари, аввало Сизни ва француз халқини миллий байрам билан муборакбод этмоқчимиз. Ўзбекистон — Франция ўртасидаги ҳамкорлик хусусида фикр-мулоҳазаларингизни айтиб ўтсангиз.

— Хоним, қутловни бажонидил қабул этаман. Ўзбекистон иқтисодий имкониятлари бой мамлакат. Давлатларимиз ўртасидаги иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларимизнинг ҳар икки томон учун фойдалилигини таъкидламоқчиман. Шунинг учун Франция — Ўзбекистон орасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётир. Ўзбек ва француз халқлари қадимдан ўзаро ҳурмат нуқтаи назаридан бордикелди алоқалари юритишган. Франциялик жуда кўплаб нуфузли компаниялар, ишбилармонлар юртингизда муваффақиятли иш олиб боряпти. Ўз навбатида кўплаб ўзбек олимлари, турли касбдаги мутахассислар Францияга бориб, ўзаро ижодий алоқалар ўрнатишяпти. «Сўғдиёна» фольклор ансамблининг чиқишини французлар яхши кутиб олганди. Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Бухоро ва бошқа шаҳарларида бир неча марта француз кино фестиваллари ўтказдик. Элчихонамизда таниқли мусаввирларимизнинг сара асарлари намуналаридан кўргазмалар бўлиб ўтяпти.

Шу йилнинг апрелида Самарқандда «Француз маркази» ташкил топди. Сентябрдан бошлаб эса Урганчда француз тилини ўргатиш маркази очишни режалаштирганмиз.

Ўзбекистон ҳақида аниқ маълумот, ёрқин тасаввурга эга бўлиш учун Францияга Ўзбекистоннинг бугунги турмуш тарзи акс этган кинотасмалар жўнатяпмиз. Албатта, бундай тадбирлар ўзаро ҳамкорлигимизнинг равнақига ҳисса қўшиши шубҳасиз.

— Жаноб элчи, давлатларимиз манфаатига хизмат қилувчи бу алоқалар, айниқса, иқтисодий ҳамкорлигимиз бениҳоя муҳимдир. Шу ўринда маҳсулот айирбошлаш, экспорт қилиш ҳажми ошяптими?

— Агар аҳамият берган бўлсангиз, иқтисодий ҳамкорлигимиз ўзгача алоҳида мазмун касб этиб боряпти. Албатта, ҳали қилинадиган ишларимиз ҳам кўп. Савдо-сотиқ алоқаларимиз 280 миллион франкни ташкил этяпти.

— Жаноб элчи, назаримда, ҳали бор имкониятларимиздан тўлалигича фойдалана олмаяпмиз, чоғи. Кўплаб қўшма корхоналар тузилганди. Афсуски улардан бармоқ билан санарлигинаси оёққа туриб кетди. Бунинг боиси нимада?

— Тўғриси, бу фикрда жон бор. Ҳақиқатан бугунги кунда 10 тача қўшма корхонагина ўзини тиклаб, изчил фаолият кўрсатиб турибди. Сабаб, франциялик ишбилармон доиралар Ўзбекистоннинг иқтисодий шарт-шароитлари, иқлими, имконият даражалари ҳақида аниқ, етарлича тасаввурга эга эмаслигидадир. «Томсон» фирмасига ўхшаб дадил иш юритиб кетганлари ҳам кўп. Боя айтганимдек, охирги пайтлардаги ижодий сафарлар, мутахассис айирбошлаш, ижодий делегациялар алмашишлар айнан шундай йўл қўйилган камчиликларни такрорламасликка хизмат қилади.

Мана, кейинги пайтда кўплаб нуфузли француз банклари, ишбилармон доиралар, тадбиркорлар, кампаниялар Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга интиляпти. Айниқса, франциялик олимлар юртингизнинг бой ўтмиш тарихи, маданиятини қадрлайди. Бир гуруҳ археологларимиз Термизда «Темурийлар қалъаси» қолдиқларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб боряпти. Мутахассисларимиз иқтисодий имконият, шарт-шароитларни атрофлича ўрганишяпти. Нуфузли француз тадбиркорлари Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қуришни бошлаш арафасида. Яна бир француз кампанияси эса яқин келгусида Тошкентда қоғоз ишлаб чиқарувчи қўшма корхона тузади. Шунингдек, Тошкент шаҳрида меҳмонхона қуришни режалаштирган француз тадбиркорлари, иншоот ишга тушгач ҳам ҳамкорликни давом эттиради. Франция ҳукумати Ўзбекистоннинг бой иқтисодий, маданий имкониятини инобатга олиб, келгусида икки томонлама фойдали ҳамкорлигимизни янада равнақ топтириш ниятида. Франция сенаторининг шу йилнинг сентябрида Ўзбекистонга қилажак ташрифидан мақсад ҳам шу, аслида. Ўйлайманки, бугунги иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларимиз ҳали узоқ вақт давом этиши муқаррар мустаҳкам ҳамкорлигимизнинг илк куртаклари, чечаклари, холос.

— Элчи жаноблари, Сизнинг Ўзбекистонга бўлган эътиборингизни она тилимизда бемалол тилмочсиз «тиллашишингиз»дан, англаб турибман. Суҳбатингиз учун миннатдорчилик билдирамиз.

Саида ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Пишиқчилик.

БУ САФСАТА ЭМАС

1916 йили чўкиб кетган «Йенчёпинг» кемасининг бортида бўлган. Бу спиртли ичимликлар узоқ вақт сақланган бўлса-да, ҳали истеъмолга яроқли.

* * *

Хитойдаги беш ярим мингдан ортиқ юқори лавозимдаги кишилар кейинги беш ой ичида коррупцияда айбланиб, турли жазоларга тортилди. Судланган мингдан ортиқ киши ҳукумат органларида вавилоятларнинг юқори ташкилотларида, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида юқори лавозимларни эгаллаб турганди.

* * *

Американинг «Крайслер» компанияси шу ёз давомида ўзи ишлаб чиқарган бир миллион 600 минг енгил ва юк автомобилларини фойдаланиш давомида аниқланган камчиликларини бартараф этиш учун яна қайтариб олиб келмоқчи.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00, 8.30 «Ҳафтанома».
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мусиқа бўстони».
9.00 «Соғлом авлод учун».
9.20 «Буюк ёпилиш». Мультфильм.
9.30 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳазинамиз таянчи».
10.35 «Қамолот сари». Чиноз Агро-тадбиркорлик коллежи фаолияти ҳақида.
10.55 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
11.25 «Бухоро — мурувват шаҳри». Телефильм.
11.35 «Бокира туйғулар». Публицистик кўрсатув.
11.50 Р. Маъдиев, Ф. Олимов. «Девона». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Яшил орол сири». Мультфильм.
18.20 «Умидли дунё». Публицистик кўрсатув.
18.40 Таэквандо. Жаҳон чемпионати.
19.05 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25 Эълонлар. «Ахборот». (рус тилида). Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари. Эълонлар.
20.30 «Ахборот». Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Булоқ кўз очди».
21.20 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Тўйчи Орипов.
21.50 «Сиёсат оламида».
22.20 Қўшиқ ва рақслар.
22.40 Телстомошабинларнинг талабларига биноан. «Виждон». Телесериал. 10-серия. Эълонлар. «Ахборот».
23.55 «Олам ва одам».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик. Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Сув ости дунёси».
19.20 «Спорт қитъаси».
19.25 Эълонлар. «Ахборот» (рус тилида). Эълонлар.
19.55 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал. Эълонлар.
20.30 «Ахборот». Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 Кинонитоҳ.
22.00 Кундалик.
22.05 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.15 «Спорт қитъаси».
23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. —24.00 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

17.20 — 20.30 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.30 «Кругозор». Тележурнал.

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
20.35 «Канизак Изаура». Телесериал. «Лагич». Телефильм.
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультканусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Тасвир».
19.40 «Сўз — сизга». «Жаҳон».
20.10 «Рақурс».».
20.40 «Умид».
21.10 «Гўзаллик ва мантуқлик».
21.30 «Спорт-тайм».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Кинематограф» «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 — 23.05 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 15

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

***

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам».
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Виждон». Телесериал. 10-серия.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Мен тупилган тупроқ». Телеочерк.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 «Абитуриент—97». Она тили.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Қўшиқ ва рақслар.
11.50 «Асал ари бўлган экан». Мультфильм.
12.05 «Инсон — ҳаёт гултожи».
12.30 «Чемпион билан учрашув».
12.50 «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм. 1-серия.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.15 «Самурайлар байроғи». Бадиий фильм. 2-серия.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Суварак». Мультфильм.
18.20 «Умид учқунлари».
18.40 Олтин мерос. «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.00 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий кўрсатув.
19.25 Эълонлар. «Ахборот» (рус тилида). Эълонлар.
19.55 «Исмлар тарихи».
20.10 Оқшом эртаклари. Эълонлар.
20.30 «Ахборот». Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Мусиқа ва шеърият».
21.55 «Вазият» Публицистик кўрсатув.
22.10 «Тақдирнг қўлингда». Бадиий фильм. Эълонлар. «Ахборот».
23.55 «Япония ҳақида ҳикоялар».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик. Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Нафис мажлислар».
19.25 Эълонлар. «Ахборот» (рус тилида). Эълонлар.
19.55 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал. Эълонлар.
20.30 «Ахборот». Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 Кинонитоҳ.
22.50 Кундалик...
22.55 «Акс»
23.15 «ТВ плюс...» «Спорт қитъаси»
24.00—00.10 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.30 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.30 «Винни-Пух», «Олтин жўжа», «Қочоқ велосипед». Мультфильмлар.

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Цирк майдонига йўл». Бадиий фильм.
22.50 «Чоткол тизмаларида». Телефильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультканусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш дастури.
20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.30 «Дорихона эшитади».
21.00 «Долзарб репортаж».
21.30 «Америкага назар».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Кинематограф». «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. —23.35 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

***

8.25 «Мусиқа ва шеърият».
9.00 «Япония ҳақида ҳикоялар».
9.20 «Кетмас давлат берсин».
9.50 «Чумчуқвой». Мультфильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Ёзимиз соз ўтмоқда».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 «Абитуриент—97». Физика.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 «Фитна». Бадиий фильм.
13.05 «Сайқал». Видеоканал.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.40 В. Гюго. «Қиролнинг дилхуши». Телевизион театр.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...»
18.25 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Орзулар қанотида». Ёшлар тележурнали.
19.05 Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар: «Маслак ва мақсад».
19.25 Эълонлар. «Ахборот» (рус тилида). Эълонлар.
19.55 «Автоолам».
20.10 Оқшом эртаклари. Эълонлар.
20.30 «Ахборот». Эълонлар.
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Телстомошабинларнинг талабларига биноан Алп Жамол. «Тойчоқ» Видеофильм. 1-қисм.
22.05 Эстрада концерти. «Биламиз-у, аммо...»
22.45 «Виждон». Телесериал. 11-серия. Эълонлар. «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — «Трактор» (Тошкент).
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик. Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.35 «Классик куйлар кечаси».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар. «Ахборот» (рус тилида). Эълонлар.
19.55 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал. Эълонлар.
20.30 «Ахборот». Оҳанглар ва эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.40 Кундалик.
22.45 «Спорт қитъаси».
23.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.05—00.15 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.30 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.30 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 «Зоддор отлар», «Ҳунарманд санъати». Телефильмлар.
21.55 Эълонлар.
22.00 «Канизак Изаура». Телесериал.
23.00—23.20 «Ахборот». (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультканусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал. «Чашма».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Мсэон».
20.40 «Азизим».
21.10 «Автосалтанат».
21.20 «Бу ажиб дунё».
21.40 «Ҳуқуқ ва бурч».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Кинематограф». «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 «Кафолот». —23.35 «Хайли тун!»

ПАЙШАНБА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Беназир санъаткор».
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Виждон». Телесериал. 11-серия.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар», Ўзбек аёли.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 «Абитуриент-97». Математика.
11.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
11.30 «Зўр ўтирибмиз». Бадиий фильм.
12.45 Наманган вилояти «Навбаҳор» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
13.15 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 1-қисм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.10 Болалар учун фильм. «Олти жаҳонгашта».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қувноқлар даврасида».
18.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Нефтчи» (Фарғона). «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. 1-тайм.
19.15 «Ахборот» (рус тилида). Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Нефтчи» (Фарғона). 2-тайм.
20.15 Оқшом эртаклари. Эълонлар.
20.30 «Ахборот». Эълонлар.
21.00 «Юзма-юз».
21.20 «Барҳаёт наволар». Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов.
21.50 «Нажот излаб».
22.10 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 2-қисм.
22.45 «Дил тароналари». Фильм-концерт.
23.00 «Ёзув столидан репортаж». Эълонлар. «Ахборот».
23.55 «Ҳаёлот уфқлари». Бадиий-публицистик кўрсатув.
00.15 —. 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультипанорама».
9.25 «Турфа олам».
9.45 «Туҳфа».
10.05 «Бу мунис лаҳзалар».
10.30 «Соғинч».
10.40 Телесериал.
11.30 «Тақвим».
11.40 «Видео-О».
13.15 — 14.30 Болаларнинг ёзги таътил кунларида.

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Даракчи. Эълонлар.
18.20 «Кўзмунчоқ».
18.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 Эълонлар.
19.15 «Ахборот» (рус тилида). Эълонлар.
19.35 «Дубляж». «Қатрада қуёш».
20.05 «Мутойиба». Эълонлар.
20.30 «Ахборот». Эълонлар.
21.00 Мумтоз наволар. «Муножот».
21.20 «Одобнома».
21.40 Эълонлар.
21.45 «Кино жавонидан». «Зулматни тарк этиб». Бадиий фильм.
23.15 — 23.25 Даракчи.

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.30 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.30 Болалар учун фильм. «Валерка, Рэмка, плюс...»

*

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Гарри ва Хендерсонлар». Бадиий фильм.
23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультканусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «02» тўлқинида».
20.10 Эълонлар.
20.15 «Эльдорадо». Телесериал.
20.45 «Каталог». «Европа манзаралари». Швейцария.
21.20 «Она».
21.50 «Минг бир маслаҳат».
22.05 «Голливуднинг ажабтовур ўйинлари». Сериал. «Компьютер ревю».
22.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 18

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Барҳаёт наволар». Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Ҳаёлот уфқлари». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.35 «Фан фидоийси». УзР ФА мухбираъзоси Жавлон Мақсумов.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Юнон — Рим кураши: хотиравий турнир.
10.30 «Абитуриент-97». Кимё.
11.00 «Ялқов». Мультфильм.
11.10 «Оламни асранг». Тележурнал.
11.35 «Табор кўкка интилади» Бадиий фильм.
13.05 «Туркистон — умумий уйимиз».
13.25 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 2-қисм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.10 Болалар учун фильм. «Жонли камалак».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Уйқу салтанати». Мультфильм.
18.20 «Қалб гавҳари». Адабий-маърифий кўрсатув.
18.40 «Олтин мерос». Рақс, рақс, рақс.
19.00 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар клуби.
19.25 Эълонлар. «Ахборот» (рус тилида). Эълонлар.
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.10 «Оқшом эртаклари». Эълонлар.
20.30 «Ахборот». Эълонлар.
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Мумтоз наволар.
21.40 «Маърифатнома».
22.20 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 3-қисм.
22.55 «Куйла, ёшлигим».
23.05 «Виждон». Телесериал. 12-серия. Эълонлар.
23.55 «Ахборот».
00.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошкентга марҳамат».
00.35 — 00.40 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Кўзмунчоқ».
9.15 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.30 «Бир жуфт қўшиқ».
9.40 «Билиб қўйган яхши».
9.50 «Дубляж».
10.05 «Қатрада қуёш».
10.20 «Мутойиба».
10.35 Мумтоз наволар. «Муножот».
10.55 «Одобнома».
11.15 «Кино жавонидан». «Зулматни тарк этиб»
12.45 — 14.15 Болаларнинг ёзги таътил кунларида.

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Даракчи. Эълонлар.
18.20 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.40 «Камолот».
19.00 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
19.05 «Ёнмаган ёзувлар».
19.25 Эълонлар. «Ахборот» (рус тилида). Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.05 «Жарангдор соз». Эълонлар.
20.30 «Ахборот». Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Йирик планда». Видео янгиликлари.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 «Спорт қитъаси». «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20 — 00.30 Даракчи.

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30 — 8.00, 17.20—-20.30 Россия жамоат телевидениеси.
20.30 «Мусиқа ҳамма учун».

*

22.00—22.30 Россия давлат телевидениеси.
22.30 Эълонлар. «Канизак Изаура». Телесериал.
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультканусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал. «Умид чечаклари».
20.00 «Рангинкамон».
20.30 «Уй остонадан бошланади.».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Эльдорадо». Телесериал.
21.35 «Шаҳрим—фахрим».
22.05 «Бу бустон аро». «Йўллар ортидаги йиллар».
23.05 «Латофат». «Хат ва ҳаёт».
23.45—23.55 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Мусиқий хазина». Феруз.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мусаввир нигоҳи».
9.15 «Виждон». Телесериал. 12-серия.
10.00 «Шоҳруҳ клуби».

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.20 «Аудитория».
10.45 «Умр йўллари».
11.05 «Баҳс».
12.25 «Чақирилмаган меҳмонлар». Бадиий фильм.
12.45 «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа.
13.30 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм 3-қисм.
14.05 — 14.25 «Туташ тақдирлар».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультолам.
18.20 «Қўшиқ ёзувчи шоирлар». Камтар Отабоев.
18.55 «Уйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
19.25 Эълонлар. «Ахборот» (рус тилида). Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти янгиликлари». Эълонлар.
20.30 «Ахборот». Эълонлар.
21.00 Ўзбекистоннинг янги тарихи.
21.30 Султонмурод Олим. «Дўппи». Видеофильм.
21.45 «Ўзбекистон — Ватаним маним!» Ўзбекистон қўшиқ байрами.
22.15 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 4-қисм.

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:

22.45 «Куй ва тасвир».
23.05 «Бобби». Бадиий фильм. 1-2-сериялар.

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан».
9.20 «Қамолот».
9.40 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
9.45 «Ёнмаган ёзувлар».
10.05 «Жарангдор соз».
10.25 «Ривоят».
10.35 «Йирик планда». Видео янгиликлари.
10.55 «Кинонигоҳ».
12.25 «Спорт қитъаси».
12.45 — 14.00 Болаларнинг ёзги таътил кунларида.

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи». Эълонлар.
18.20 «Боланинг тили».
18.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Табиат шифохонаси».
19.00 «Қонун ҳимоясида».
19.10 Киноконцерт.
19.25 Эълонлар. «Ахборот (рус тилида). Эълонлар.
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Умрбоқий мерос». Эълонлар.
20.30 «Ахборот». Эълонлар.
21.00 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
21.25 Телесериал.
22.15 «Телевидение ва театр». «Интер-футбол».
22.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.05 «Видео-О».
00.35 — 00.45 «Даракчи».

III

17.00 Дастурининг очилиши. Эълонлар.
17.05 Болалар учун фильм. «Буратиноннинг саргузаштлари». 1-серия.

*

18.10—20.30 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.30 Цирк дастури.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Уч қалб эгаси». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
23.05—23.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Оддий кун».

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 «Сочи шаҳридаги оромли тунлар». Бадиий фильм. 1—-2-сериялар.
11.30 «Спектакдлан сўнг».
12.00 «Шанба эртаги».
13.00—13.20 «Корейс тилини ўрганамиз».

***

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультканусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Шанба оқшомида».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Рақслар қанотида».
20.40 «Чинсен».
21.10 «Эсдалик учун дастхат».
21.40 «Бу ажиб дунё».
22.00 «Ассалом, Франция!» Мусиқий илова. Далида. «Самодаги олмослар». Телесериал.
23.20 «Хит-коллекция».
23.40—23.50 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Лирик тароналар».

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

11.30 «Менга сўз беринг».
12.05 «Табассум кўчалари».
12.20 Бугун — Металлургглар куни. «Олов билан юзма-юз».
12.50 «Таня ва икки мушкетёр». Бадиий фильм.
14.00 «Мусобақалар, очколар, секундлар».
14.15 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 4-қисм.
14.45 — 15.45 «Нурли келажак». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
18.20 «Олам». Кинокўрсатув.
18.40 «Баҳодир Шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 7-қисм.
19.25 Эълонлар. «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 12-iyul, shanba № 81 (22.165).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

НАҲОРГИ ОШ ФАЗИЛАТЛАРИ

Бир замонлар тошкентлик Аҳмад бува исмли, 115 ёшга кирган отахонни қутлуғ тавваллуди билан муборакбод этиш учун ҳоким ўз ҳузурига чорлаган экан:

— Падари бузрукворимиз, сизни халойиқ жуда меҳнатсевар, табаррук, обрўли инсон сифатида қадрлайди. Сизни зиёрат қилувчилар кети узилмайди. Фарзандларингиз ҳам 80-90 ёшларни қоралаб қолишган. Айтингчи, бундай умргузаронликнинг боиси нимада?

— Аввало бу Яратгандан. Қолаверса, қандай умр кечириш ҳар бир одамнинг ўзига боғлиқ, — деб ҳикоя қилган экан отахон. — Ҳаммасини болаликдан, ёшликдан бошламоқ керак. Маълум тартиб ва режа билан ҳаёт кечиришга қуникма ҳосил қилиш лозим. Маълумки, аксарият ота-оналарнинг тирикчилик ва оила ташвишлари билан бўлиб, ўзлари ҳақида ўйламай қўйишлари сир эмас. Мен эса турмуш тарзимни бир палласига меҳнат, оила юмушлари, иккинчисига саломатлик ва севинчларни қўйиб, мувозанатни сақлашга ҳаракат қилдим. Бу эса ҳаётимнинг мўътадиллигини таъминлашга имкон берди. У ёғини сурасангиз, овқатланиш ҳам бир санъат. Унинг қоидаларига қатъиқ риоя қилмоқ керак. Айтайлик, бу дунёнинг ноз-неъматлари инсон учун экан, бундан баҳраманд бўлишга интила билиш ҳам зарур. Чунки мевалар хоҳ ҳўл, хоҳ қуруқ бўлсин, ўз хосияти билан инсонга кўп наф келтиради. Чунончи, узум билан ўрик юрак-қон томирларига, тарвуз билан бодринг буйракка, олма билан нок ошқозон ва ичакларга ижобий таъсир кўрсатади. Қовун ва шафтолидан суяк намланади. Анор, олча каби мевалар баданни таранглаштиришга имкон беради.

Ана шу неъматлардан бирортаси узоқ вақт истеъмол қилинмай қўйилса, таъна аъзоларимизнинг бирон ери заифлашиши табиий. 60 ёшдан сўнг иложи борича ошқозонни толиқтирмасликка ҳаракат қилиш керак. Бундай пайтларда мевалар шарбати ёки дамламаси асқотади. Ҳамиша тетик ва бардам бўлишликда гўштларнинг ҳам аҳамияти беқиёс. Қўй, қорамол ва чумчуқ гўштлари белимиздан пастки аъзоларга қувват бағишлайди. Шунингдек, парранда гўштлари ҳамда балиқ нафас олиш йўллари ва кўкракни созлашга имкон беради. Той гўшти эса қиш ва эрта баҳор кезлари истеъмол қилинса, тирноқдан тортиб соч толасигача ўз таъсирини ўтказади. Шунинг учун айтаманки, билиб вақтида еб туриш керак. Акс ҳолда баъзи кишиларга ўхшаб гўштлардан бирортасига боғланиб қолиш салбий оқибатларга сабаб бўлади. Мана кексайганимда бу емишларнинг хосияти ҳақида ўйлаб ана шундай мулоҳазага бориб турибман.

Назаримда вақтида овқатланиш яхши одат. Кун бўйи меҳнат ва бошқа юмушлар билан бўлиб, оқшом чоғи чарчоқни ҳис этасан киши. Бундай пайт-

1

ларда баданимиз мисоли лойқа сувни эслатади. Мана энди ўйланг: тиниқ мусаффолик қаерда-ю лойқа сув қаерда. Кўпчиликка кечки соатларда тўйиб овқатланиш ёқмай қолаётгани ҳам ана шундан. Егуликларга иштаҳа билан берилишинг, яхши вақти эрта тонгдир. Бундай соатларда танамиз тиниқ тортиб туради. Овқат ҳазм аъзоларимиз бўшаниб, янгисига жой ҳозир булади. Ўйлайманки, 25 ёшимдан то шу кунгача эрта тонгда палов истеъмол қилиб, янглишмадим. Иложи бўлса бундай таомлар қўй, қорамол, хўроз, бедана, каклик ва чумчуқ гўштлари солинса, айни муддао бўлади. Яъни бир ҳафта мобайнида бундай масаллиқлар навбатма-навбат қозонга тушса, таомнинг таркиблиги ортиб, фазилати ҳам шунга яраша бўлур эди. Ҳафтасига бир марта балиқ ейман.

Кимки эрталабки нонуштани енгил-елпи қиларкан, янглишади. Чунки эрталабки нонуштани ўрнига қўйган кишининг кайфияти кечгача соз бўлади. Толиқмайди. Ғайрати жўш уради. Соғлиғидан нолиб юрмайди. Афсуски, кўпчилик буни аксини қилади. Ҳатто баъзилар эрталабки нонушта зарурмас,

Миллат ва маънавият

кейин бафуржа овқатланарман, деган хаёлга ҳам борадилар. Оқибатда меъданинг бузилиши, ичакларнинг зиён кўриши содир бўлади. Яна бир нарса. Овқатланаётганда ёқимли қўй ва қушиқнинг аҳамияти катта. Наҳорги ошларда ҳофизларнинг майин, мумтоз хонишлари одамларни қанчалик тебратиб, сархушликка тортаётганини ким кўрмаган. Дастурхон тўла ноз-неъматлардан озгина тотиниб, бир пиёладан чой ҳўплагандан кейин ош тортилади. Лекин биз эса ўша мусиқа ёки қўшиқ оғушида ўтирамиз. Яъни ошни мусиқа жўрлигида танаввул қилиб, ўзига хос уйғунликка эришамиз. Бундай ҳолатни бошдан кечириш узоқ умр гарови деяверинг.

Наҳорги ошдан кейин бир соат ўтиб, ўз ишларим билан шуғулланаман. Баҳоли қудрат юк кўтариш, ўтин ёриш, отда сайр қилишни тарк этганим йўқ. Шунинг учунми, қўл оёқларимда ҳамон қувват сезаман. Ҳар йили бир маротаба тоғларга сайр қилмасам, кунглим жойига тушмайди. Тоғу тошларга урилиб, шарқираб оқаётган сувда чўмилиш, ичиш фақат хосиятли. Сўнг икки қўлимни кўтариб фалакка, тоғ чўққиларига қараб хитоб қиламан: Оллоҳга шукроналар айтаман.

— Биламиз, — дебди ҳоким. — Сиз пиру бадавлатсиз. Қўлингизни қаерга чўзсангиз етади. Бошқалар эса бундай турмушни ҳавас қилишлари мумкин холос.

— Бир ҳисобда тўғри. Маслаҳатим шуки, никоҳ ва суннат тўйларида наҳорга ош тортилганда, албатта, қушиқ, қуйларнинг бадастир, яъни ёқимли бўлишига эътибор қилинса.

Ҳоким Аҳмад бувaнинг сўзларини тинглаб, унинг таклифларини инобатга олиб фармон берибди: «Бундан буён никоҳ ва суннат тўйларида эрта тонгда меҳмонларга палов тортиш, ашула ва қуйларни чалиш жорий этилсин. Дастурхонларга ноз-неъматлар қўйилсин. Меҳмонларга бир-икки қушиқдан кейин ош берилсин. Истеъчилар маросимнинг охиригача ўтиришлари мумкин».

2

«Мақсад, — дебди фармон охирида ҳоким, — одамлар ҳам Аҳмад бувага ўхшаб, баракали умр кўрсинлар».

Қиссадан ҳисса шуки, ана шу фармондан кейин шаҳри азим Тошкентда наҳорга ош тортиш расм бўлган экан. Бизнинг замонамизда бу узбекона қадриятларга айланиб кетган. Андек қоида бузарликлар ҳам бўлади. Ё шошиламиз, ё аҳамият бермаймиз. Яъни қуй-қушиқларга эътибор қилмай, ошни еб кетаверамиз. Ваҳоланки, наҳорги ошни мусиқа садолари остида тановвул қилиш унинг фазилати ва шифобахшлигини ошираркан. Умуман, наҳорги ошда узига хос фазилат ва хосият бор. Бир тасаввур қилинга. Мусаффо ҳаво, атрофга сувлар сепилган, сарамжон-саришта. Байрамона кийинган одамлар саф-саф бўлиб, солланиб келадилар. Хонадон соҳиби ва яқинлари уларга таъзим бажо айлаб, иззат-икром кўрсатадилар. Дастурхонда ҳам бўлакча файз ва тароват ҳукмрон. Ёқимли қуй-қушиқлар таралиб, ёшлар хизматда, катталар иззатда. Умуман, ҳаммамизга таниш манзара. Шундай пайтларда наҳорги ошни кашф этган узбегимга тасаннолар айтгинг келади.

Палов ҳақида қисқа ривоят. Утган замонларда Искандар Зулқарнайн Самарқандни олиб, оқшом дам чоғида лашкарбошисидан ниҳоятда мазали, қувватли таом егани ҳақида хабар эшитади. Шунда Искандар у таом нима эканлигини ва ниималардан тайёрланиши ҳақида қизиқибди. Овқат гуруч, гўшт ва ёғдан иборат, деблилар. Шунда Искандарнинг устози Арасту суҳбатга қўшилиб «Лашкарбошига манзур бўлган овқат таркибида сабзи бўлмаса, унинг ҳазими қийин кечади», дебди. Искандар пазандани келтиришни буюрибди. Ундан: «Сен тайёрлаган овқат учун нималар зарур, — деб суралгада, у биринчи навбатда сабзи деган экан. Агар сабзи кўп қайнатилиб, эзилтирилса, паловнинг мазаси ва фойдаси йўқолади. Палов қўпи билан бир соат (гуруч солингач) ичида тайёр бўлса, маромига етади. Шох эса устозининг палов таркибида сабзи бўлишини фаҳм этгани учун унга бир хум тилла совға қилган экан.

Кўриниб турибдики, катта ошнинг тарихи узоқ утмишга бориб тақалади. Бир фикр. Юртимизда катта ошларнинг бўлаётгани тўқлик ва фаровонликдан нишона. Қадриятларимиз эъзозланаётганига мисол. Фақат бир нарса, у ҳам бўлса, айниқса, ёз ойларида тўй ошларини жуда эрта, айтайлик соат 4 ларга қолмай қозон очилиши талаба ва меҳнаткашларга жудаям маъқул келяпти, деб бўлмайди. Биламиз бундай қилишнинг сабаби бомдод намози ўқилиши билан боғлиқ. Ошпаз масжиддан ташриф буюрувчи бир гуруҳ одамларнинг келишини мўлжалга олиб, тўйбошининг имоси билан қозонни очмоқда. Шунга андак тузатиш киритиш мумкинку. Айтайлик, намозхонларимиз шошилмай, бамайлихотир 6 ярим - 7 ларга тўйхонага ташриф буюришса, айни муддао бўлармиди. Чунки наҳорги ошга келувчилар орасида ишга борадиган, ўқишга ошиқадиганлар бор. Тонг саҳарлаб уйқудан кечиб, ошга келиб кун бўйи гангиб юрилса, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати нима бўлади. Миллатимизнинг эзгулик томонларининг ана шу хислатлари ҳақида бироз ўйлаб кўрсак.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор.

3

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

Ҳ. Ғофуров номли Марғилон ҳисоб-кредит техникуми, унинг Термиз филиали 1997-98 ўқув йили учун кундузги ва сиртқи бўлимларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум «Банк иши» мутахассислиги бўйича марказий, акционерлик, тижорат ва хусусий банкларда ишлаш учун ўрта махсус маълумотли (11-синф маълумотига эга бўлганлар қабул қилинадилар) банк ходимлари тайёрлайди.

Кундузги ва сиртқи бўлимларга ўрта мактабни битирган йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ

Кундузги бўлимга:

«Банк кичик ходими» ихтисоси бўйича 1 йил.

«Банк ҳисобчиси» ихтисоси бўйича 1 йилу 10 ой

«Банк иқтисодчиси» ихтисоси бўйича 1 йилу 10 ой.

Банк маълумотига эга бўлмаган, лекин банк соҳасида ишлаётган олий ва ўрта махсус иқтисодий йўналишдаги маълумотга эга бўлган банк ходимлари учун (иккинчи мутахассислик) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш муддати — 1 йилу 2 ой.

Сиртқи бўлимга банк соҳасида бир йил ва ундан ортиқ меҳнат стажига, ўрта мактаб ҳажми маълумотига эга бўлганлар қабул қилинадилар.

Ўқишга кирувчилар она тили ва адабиёт, математика фанларидан ўрта мактаб ҳажмида тест синовларидан ўтадилар. Тест синовлари 11 август куни ўтказилади.

Ўқишга кирувчилар техникум директори номига мутахассисликни кўрсатган ариза ва қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асли.
2. 086-У шаклида тиббиёт маълумотнома.
3. 3х4 см. ўлчамли 6 дона фотосурат.
4. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма.
5. Банк муассасасидан йўлланма.

Фуқаролик паспорти ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан абитуриент томонидан кўрсатилади.

Аризалар: 25 июлгача қабул қилинади.

Техникум ўқувчилари умумий қоидага асосан стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникум манзилгоҳи: 713704, Марғилон шаҳар, Эшонгузар кўчаси, 123-»А».

Автобус: Марғилон — Эшонгузар, Марғилон ҳисоб-кредит техникуми бекати.

Техникум Термиз филиали манзилгоҳи: 700008, Термиз шаҳар, Циолковский кўчаси, 6-уй.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Алишер Навоий номидаги республика нафис санъат лицейи

1997-1998 ўқув йилига

республика мактабларининг 8 синфини битирган истеъдодли ва ижодкор ўқувчилар учун

қабул эълон қилади.

Лицейда қуйидаги бўлимлар мавжуд:
- *адабиёт ва журналистика;*
- *тарих ва ҳуқуқшунослик;*
- *санъатшунослик;*
- *инглиз тили ва информатика;*
- *иқтисод ва информатика;*

Лицейда махсус фанлардан дарсларни олийгоҳларнинг малакали муаллимлари ва чет эллик мутахассислар олиб борадилар.

Лицей ўқувчилари тўлиқ давлат таъминотида бўладилар, ҳамда ётоқхона, 4 маҳал бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Танлов 5 августдан 15 августгача ўтказилади.

Ўқувчилар психологик тест ва мутахассислик бўйича фанлардан имтиҳон топширадилар.

Ўқишга кирувчилардан қуйидаги ҳужжатлар 1 июндан бошлаб қабул қилинади:
1. *1-8 синф табеллари;*
2. *Туғилганлик ҳақида гувоҳномадан кўчирма.*
3. *Мактабдаги тиббий картаси.*
4. *4 та фотосурат (3х4)*
5. *Лицей раҳбари номига ариза.*

Шунингдек, умумтаълим ва махсус фанлар бўйича, ўз предметининг назарий ва таълим асосларини чуқур эгаллаган ижодкор муаллимлар лицейда ишлаш учун танловда иштирок этишга таклиф этилади. Лицей ўқитувчиларига 50% қўшимча ҳақ белгиланган.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Ц» мавзеси, метронинг «Чилонзор» бекати.

Мурожаат учун телефонлар: 76-59-50, 76-59-00.

Спорт

ДЭВИСНИ КЎЗЛАБ

Пойтахтнинг «Динамо» теннис ўйингоҳида Дэвис кубоги учун Осиё — Океания минтақаси биринчи гуруҳидаги ўрнини сақлаш учун вакилларимиз Япония жамиоаси билан майдонга тушдилар. Мухлислар Огородов — Коников, Томашевич — Матумото ҳамда жуфтлик бўйича Огородов — Томашевич билан Ивабучи — Суцзуки учрашувларини мароқ билан томоша қилдилар.

БАЙРОҒИМИЗ КЎТАРИЛДИ

Санкт-Петербургда таэквондо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида 65 мамлакатдан вакиллар қатнашди. Юртдошларимиз бўш келишмади. Гулистонлик Владислав Нам билан тошкентлик Алла Кимларнинг ғалабалари шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз кўтарилди. Шунингдек, И. Самасуров кумуш, Л. Сагидова бронза медалли бўлишди. Спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида 4-ўринни олишди. Мехикодан ҳам хабар келди. Таэквондонинг ФТФ тури бўйича ўтказилган мамлакат очиқ чемпионатида 25 мамлакат вакиллари куч синашди. Жамоамиз умумҳисобда бешинчи ўринни эгаллади. Александр Ким билан Рашид Аҳмедовлар кумуш билан қайтишди.

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

FRANCE 98

1998 йил Парижда ўтказиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун курашаётган Осиё 5-гуруҳининг

«Ўзбекистон — Яман»

миллий терма жамоалари ўртасида ўтказиладиган саралаш **учрашуви қолдирилди.**

Боиси, Яман терма жамоаси номаълум сабабларга кўра Тошкентга кела олмаслигини хабар қилган.

Биз эса сўнгги ўйин натижасисиз ҳам навбатдаги босқичга чиққан футболчиларимизни қутлаб, кутилмаган нохушлик учун

мухлислардан узр сўраймиз.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0433

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА